



ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 73 (6.562)

1988 йил 30 март, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдида

Буюртма бажарилди

Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасида Н. Татарин етакчилиги қилаётган бригада биринчи квартал топириқларини мuddатидан олдин бажарди.

Юбилей йили топириқларини мuddатидан олдин ошириб бажаргани учун бригада коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги билан таъдирланган эди.

Илгор коллектив тайёрлаган мармар плиталар Москва, Новосибирск ва бошқа шаҳарларга юборилмоқда. Шунингдек, шаҳримизда бунёд этилаётган Горький номи рус давлат академик драма театри биноси қурилишига ҳам 260 квадрат метр мармар, 97 квадрат метр безакли плиталар, гранит ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Янги уй

Ленин районининг П. Полторацкий кўчасида 16 қаватли йирик панелли 63 квартиралар турар жой биносининг монтаж ишлари нихосига етди.

3-ўйсозлик комбинатига қарашли 1-комплекс қурилиш бошқармасининг прораб Ш. Шоумаров бошлиқ қурувчилари бу бинони бунёд этишмоқда.

Бинонинг лойиҳасини «Ташгипрогор» институти меъморлари тайёрлаган. Унинг типовой лойиҳадан фарқи шундаки, бошқа бинолардан планлаштирилиши ва конструкцияси билан фарқ қилади. Бу эса унни замонавий талаблар асосида қуриш имконини берди. Янги бино квартиралари 3—4 хонали бўлиб, катта оналаларга мўлжалланган. Ҳар бир квартирада балкон ўрнига ёзи дам олиш хонаси бўлади.

Еш оналар, ҳамда велосипед эгаларига ҳам қулайлик яратилган. Бинонинг биринчи қаватида қоляска, велосипедлар учун алоҳида хоналар ажратилди. Ёшлар учун клуб ҳам жойлашган. Монтажчилар қурилишда 1 миллион 39 минг сўмлик иш бажаришди.

Д. ОБЛАЕВ.

16 апрелда коммунистик шанбалик ўтказилади

Кўтаринки руҳда

Тошкент тепловоз депоси коллектив коммунистик шанбалик кизгин тайёргарлик кўрмоқда. Биз қорхонада бўлганимизда шанбалик кунни 1300 дан зиёд ишчилар ўз дастгоҳлари ёнида тушиб ишлашларини, 500 га яқин киши эса қорхона территориясини ободонлаштиришда иштироқ этаётганини айтишди. Шу кунни бир неча тепловоз ремонтдан чиқарилади. Бундан ташқари деподаги қўлгана дастгоҳлар ремонт қилинади.

Тошкент—жаҳонга

Икки мамлакатга

«КПСС XXVI съезде» номи Тошкент чини заводида Саудия Арабистони буюртмасини тайёрлаш бошланди. Чинисозлар 110 минг сўмлик Тошкент пиласини бу мамлакатга юборишди.

Шунингдек, Грецияга 200 та «Оқ олтин», 200 та «Пахта», 200 та «Оҳу», 200 та «Нафосат» сервизлари жўнатилди.



33-57-02

32-55-35

«Алло... Истагингизни эшитамиз...»

— Алло, «Ишончли мулоқотми»? Мен 236-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дурдона Хасанхўжаева бўламан. Синфдошларим номидан қамроқчиёқман.

Ўтган ҳафтада ҳар доимгидек «Тошкент оқшом»ни катта қизиқчи билан ўқидик. Бизга айтилса, «ТУРМУШ ЧОРАҲЛАРИДА» рубрикаси остида берилган материаллар ёқди. Шунингдек, Сайдулла Хўжаев тўғрисидаги мақола ҳам жуда ўқинишли экан. Шу ўринда бир истагини айтмоқчи эдим: санъаткорлар тўғрисида ёзсангизлар.

28 март кунини ўтган навбатдаги мулоқотимиз тўғрисидаги ўзига хос ҳисоботимизни Дурдонахоннинг кўнгироти билан бошлаганимиз бежиз эмас. Зеро, унда иштирок билан ўқувчи-ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу жуда қувончли ҳол. Мамлакатимизда кайта қуриш ва жадаллаштириш даврида ёшларимизнинг яқиний-снй снй ҳаётдаги активлиги муҳим аҳамият касб этади.

Оқшомхонлар, айниқса, ўтган ҳафтада интернационал дўстлиқка, Хотира кунига бағишланган махсус сонларни алоҳида таъкидлашди. Ўз мулоҳазаларини ҳолисона билдиришди.

198-мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Бойматов, П. группа инваллиди Мустафо Юсупов, ўт ўқувчи Шухрат Қорабоевлар ҳақли равишда газетамиз саҳифаларида спорт мавзуси кам ёритилганлигини кўрсатиб ўтишди. Бугун газетамизнинг тўртинчи саҳифасида берилган материал оқшомхонларимизнинг «Ишончли мулоқот»га билдирган истаklarлар асосида тайёрланди.

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлаш-

Қуролдош дўстлар клуби

Улуғ Ватан уруши даврида бепоян мамлакатимиз халқлари қатори ҳамюртларимиз ҳам жасорат кўрсатиб Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бироқ улардан кўпчилигига уйига қайтиш насиб бўлмади. Шаҳидлар биз, авлодлар қалбидан абадий ўрин олдилар. Урушдан соғсаломат қайтиб келганлари эса ҳозир иззат-ҳурматда. Шундай уруш ветеранларини Сергели районидagi 2-маданият уйи «Ғолиблар» клуби ўзига бирлаштирди.

Касб танлаш ойлиги

Шаҳримиз мактабларида касб танлаш ойлиги активлик руҳида ўтказилмоқда. Ҳамза районидagi қатор мактаблар ўқувчилари бир неча санаот корхоналари ва қурилиш майдонларида бўлиб, иш жараёни билан яқиндан танишдилар.

Касб танлаш ойлигига ўқувчилар «Ташселимаш», Қчалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тепловоз депосининг меҳ-

нат ветеранлари билан учрашдилар. Меҳнат ветеранлари ўқувчиларга меҳнатнинг шарофати ва қорхоналар ҳаёти ҳақида сўзлаб бердилар. Айниқса, 230-мактаб ўқувчиларида Қадиев номи 33-хунара техника билан бўлган учрашув яхши таассурот қолдирди.

А. УЗОҚОВ, мамоатчи мухбир.

Ишончли мулоқот

Театр—болалар меҳмони

«Хурмат Белгиси» орденли Я. Охунбобоев номидаги республика ёш тоmosабинлар театрининг актёрлари 129-мактабда ўқитувчилар коллективига ҳамда ўқувчилар билан икундий учрашув ўтказдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Толипов театр тарихи ва репертуари ҳақида гапириб берди. Сўнгра Ўзбекистон ССР халқ ар-

тисти Мухаббат Йўлдошева, Ёдгора Зиёмуҳаммадова, Исмом Абдуллаев, Тоҳир Миралиев, Абдусамид Журабоев, Шухрат Зиёмуҳаммадов, Ҳабибулло Абдуллаевлар спектакллардан қизиқарли парчалар кўрсатдилар.

Ўқитувчи ва ўқувчилар санъаткорлардан миннатдор бўдилар. Сўзга чиққанлар бундай икундий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини таъкидладилар.

Мактабда навоийхонлик

Сергели районидаги 32-мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Р. Яғфаров бошчилигидаги 70 кишилик коллектив ўзининг ҳалол меҳнати билан ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Яқинда зарур қўлғазмалар қуроллар билан жиҳозланган адабиёт хонасида анъанавий навоийхонлик кечаси ўтказилди. Кечада М. Ваҳ-

ромова раҳбарлик қилаётган 8-«а» синф «Фарҳод» ва А. Жалилов раҳбарлигидаги 8-«б» синф, «Ширин» командалари ўз билимларини синаб қўйдилар.

Райондаги 8-кутубхона ходимлари, мактабнинг адабиёт ва расм ўқитувчиларидан иборат жуори аълоларини ўқувчиларнинг билимини муносиб баҳоладилар. Кутубхоначилар ушбу кечани бағишлаб, «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий» деган китоб қўлғазмаси ташкил қилдилар.

«Ташселимаш» заводининг ишчиси Маишара Алиева уйимининг турли бекатларида автомат-кассалар мавжуд бўлганлиги, кейинчалик улар қилган муружоти эътиборсиз қолганлиги ҳақида шикоят қилди. Маишара опа ўтган йилдан бери шу масалага сарсон бўлганини қунониб гапирди. Ахир ана шу автомат-кассалар ишлаб турса будқалар ҳам, уларда ишловчилар ҳам керак бўлмай қолди, автомат эса бемалол бу вазифани бажаради, деди. Тошкентдаги 40-мактаб ўқитувчиси Вобаста Ҳабибуллоева сўзини болалар тарбияси ҳақидаги масаладан бошлади. У газетамизда касб танлашга доир материалларни кўпроқ беришни таклиф қилди. I-группа инваллиди Рустам Арслонов Афғонистонда хизмат қилган йигитларимизга ҳозирда қандай ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги тўғрисида, уларнинг ҳаётини кўпроқ ёзишимизни илтимос қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳримизда таълим олаётган студентлар «Ишончли мулоқот»да актив иштирок этмоқдалар, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини айтмоқдалар. Бу яхши. Аммо баян бир студентлар умумий ёки бир ёқлама саволларни қайтараверишди. Истагиниз студент-ёшлар ўз соҳаларига тааллуқли масалаларга оид проблемалар ҳақида кўпроқ фикр юритсалар айтиш мудида бўлур эди.

Пировардида қимматли вақтларни алмай, «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ»га қатнашган барча ОҚШОМХОНЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК билдирамиз.

«Ишончли мулоқот» навбатчиси Фаррух РАҲИМОВ.



★ КОБУЛ. Афғонистон Республикаси Президенти Нажибулло Миллий кенгашга сайлов муносабати бўлган халққа муурожаат қилди.

Афғонистон муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди, деди у. Мана шу баҳор кунларида афгон халқи ўз тарихида биринчи марта мамлакат олий қонун чиқарувчи органи — республика Миллий кенгашига чинакам демократик сайлов ўтказди. Бу сайлов миллий яраш сиёсати, янги сиёсий йўналиш ғалабасидир. Бу сайлов янги сиёсий системанинг энг муҳим принциплари — қўп партияликлик ва коалиция принциплари амал қила бошлаганидан далолат берапти, бу принциплар афгон жамаиятидаги барча синфлар, табақалар ва ғурухларнинг манфаатини акс эттиради.

Нажибулло барча афгонларга муурожаат қилиб, сайловда иштирок этиш ва Ватанинг гуллаб-яшнаши учун овоз беришга даъват этди.

Афғонистон президенти опозиция раҳбарларига ҳам муурожаат қилди.

★ ГАВАН. Бу ерда олинган хабарларга кўра, Дуэртанг америкапараст режими қўшнларининг бўлиминиси Фарбундо Марти номи миллий озолиқ fronti партизэнлари назоратида бўлган Сальвадор районларининг биридан қайтиб келётган 15 нафар маҳаллий журналист ва чет эл журналистини қамолка олган. Матбуот акиллари Морасан департаментиде ушланб, Сан-Франциско-Готера шаҳридаги турткини армия корпуси казармасига келтирилган. Шу шарқий департамент армия маъму топи журналистларга дўк-пўгнаса қилганлар.

★ МАДРИД. Бу ерда рейс автобусларининг ҳайдовчилари уч кунлик забастовка бошладилар. Ишчи комиссиялар касаба союз конфедерацияси билан Меҳнаткашлар умумий союзининг давлатига биноан Испания пойтахтидаги 30 таван қўп автотранспорт корхонаси иш ташлашни қувватлаб чиқди. Бу қорхоналарда 180 мингга яқин киши ишлайди. Янги меҳнат битимини тузиш тўғрисида олиб борилаётган музокараларда маъмурий амалдагидаги қимматчиликни назарда тутиб, уларнинг иш ҳақини оширишдан бош тортган, ҳайдовчилар ишни тўхтатдилар.

[ТАСС ва марказий матбуот саҳифаларидан].

Ташаббускорлик зарур

○ 2000 йилгача амалда ҳар бир совет оиласини квартира ёки яхши тартибдаги уй билан таъминлаш вазифаси уй-жой программасини ҳал этишдаги янги босқич ҳисобланади. Уй-жой қурилиши — умум-халқ вазифаси бўлиб қолди. Биргина «Главташкентстрой» бу йил жами 371 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Бош бошқарма меҳнат ва ишлаб чиқариш илгорлари Бутуниттифок XIX партия конференциясини муносиб ютуқлар билан қўтиб олиш учун шаҳримизнинг барча қурувчилари, монтажчилари, Тошкент шаҳрини бунёд этишда қатнашаётган санаот, транспорт ва алоқа ходимларини ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этиб муурожаат қилдилар.

○ Бош бошқарманинг қўп минг киши-

лик улкан бунёдкорлар армияси ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили плантопириқларини мuddатидан илгари бажариш учун курашмоқда. Умуман, беш йилликда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 25 процент ошириш мўлжалланган. 12-қурилиш трестининг 49-қурилиш бошқармасидаги комплекс бригада бошлиғи Тўлқин Самиев, 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармасидан Николай Волнов, 8-трестнинг 23-қурилиш бошқармасидан Леонид Проскурин сингари меҳнат фидойилари намунаси қўпчилига яхши маълум.

○ Бунёдкорлар ўртасидаги социалистик муСОбақа тобора кенг тулиб олади борапти. Коллектив нураати усули уларга иш суръати ва сифатини янада оширишга, меҳнат ютуқларини бойитишга ёрдам бери-моқда.

Опа-сингиллар

Дунёда инсон учун энг зарури — саломатлик. Айтайлик, биров қаттиқ жараҳат олди. Қўлидан қон оқаяпти. Дарҳол дори-дармон қилиб, боғлаш керак. Нима билан? Бинт билан, албатта.

Биз ҳар кун қулоч-қулоч, қаерда ишлаб чиқарилаётган беҳабар ишлатаётган бинт, олдингидан оқ бинт медицинада энг зарур медикамент ҳисобланади. У бошқа дори-дармонлар қатори химия-фармацевтика заводиди тайёрланади.

Умида 1968 йили ўининчи синфин битириб, заводнинг 2-территориясига ишга келганида ёшгина қизалоқ эди. У ҳар бири салкам 40 килограмм келадиган рулонлардаги оқ докаларни кўриб ажабланди: «Вой-ву, бунинчон бинт қилиб ўраб бўлади?»

Бир қарашда олдий, жуда олдий қўринадиган бинт ўровчилик иши. Лекин унга ҳам зийраклик, қаққонлик керак қолверса, қўнт ва ядрок керак.

Сингилсини Шоира ҳам ўининчи синфини тугатиб, етуқлик гувоҳномасини олиб келганида, уни қўтлаб, сингилковлик билан сўради:

— Энди нима қилмоқчисан?..

— Мен ҳам сиз билан ишласам дедим.

Умида суюниб кетди:

— Мен ҳам сени бирга ишлашга таклиф қилмоқчи эдим. Ўқсанг кечкида, сиртқидами ўқийверасан.

Шундай қилиб, икки опа-сингил бир қорхонада, бир цехда меҳнат қила бошлади. Опа сингилга устоз бўлди. 1971 йилда унинг меҳнат биографияси бошланди.

Кенжа сингил Мавжуда ҳам опалари йўлидан кетди: бинт ўровчиликка ихлос қўйди. Бир хонадоннинг уч қизи бир цехда ишлайди. Бу нимани билдиради. Бу энг аввало меҳнатни ҳурмат қилиш, касбни улуғлашдир. Мабодо катта опа, меҳнатдан бахт топиб, кўнгли тўлиб ишамаса сингиллар унинг изидан боришармиди? Йўқ, албатта.

Ҳар кун амбулаторияларда, поликлиникаларда ишлатиладиган бинт уч опа-сингил ва унинг ҳамкасблари томонидан меҳр қўйиб тайёрланади. Лекин ҳеч ким бунини асламайди.

Опа-сингиллар эса кишилар саломатлиги учун меҳнат қилаётганидан, уларнинг меҳнат маҳсули қўлларининг юнгига оро кираётганидан мамнун. Бу мамнуният уларни баракали меҳнатга ундайди.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

СУРАТДА: (чапдан) опа-сингил Шоира, Умида ва Мавжуда Исмоиловалар.

Т. Каримов фотоси.

Қўлига ҳасса тутган, бир оғи ёғидан, ёши олтимышдан ошган, лекин зиярак, ҳаракатчан инсон. Биринчи ва генерал Узоков қўлларининг муносилигида, магазинга кириб келди. Бу ерда ўзидек икки кекса киши ўтирдди. Ҳасса тутган отахон шериклари билан саломлашиб, стол ёнига ўтириб, тортидан рўйхат варақларини олди. Хо-нада тўпланган кишиларнинг ҳужжатларини текшириб, улар-га наваб билан талон тарқата бошлади...

Жамоатчилик асосида хизмат этиб келаётган уч киши — Улуғ Ватан урушининг актив катнашчилари, ҳозир пенсиядаги Усмон Умаров, Турғун Ашуров ва Рифқат Собитов эди. Уларнинг ёшлиги уруш да ўтган, ҳар бирининг жанг-голларда жасорат кўрсатган хизматлари бор.

Усмон Умаров жангга Москва остоналарида кирган. Фа-шист босқинчилар 1941 йил кузида Москва яқинига келиб қолган эди. Жонажон пой-тахт учун, уни ҳимоя қилиб, ёпирилиб келган душман куч-ларини яқсон этиш учун ҳаёт-мамот жангги борар эди. Сер-жант Усмон Умаров 11-мото-механизациялаштирилган бри-гадининг танкага қарши отади-ган миллионинг моҳир отувчи-си эди. Аёзди оқопларда бар-дан туриб, босқинчи келаёт-ган фашист танкларини, пивда аскарларини ўққа тутиб орқа-га қайтишга мажбур этганини ҳамон эслайди. Жангда наму-на кўрсатгани учун уни пар-тия сафига қабул қилдилар. «ПТР»ли Усмон коммунист бў-либ, шиддатли ҳамлаларда ҳаммавақт олдинда бўлди.

У фақат ердангина эмас, ҳаво-дан ҳужум қилган душманини ҳам йўлини тўсиб, яқсон этар-ди. Бир воқеа асло ёдимдан кўтариламан. Душманини бомбардировкачи самолёти жангчиларимиз тўпланган жой-га ажал оташларини ёғдириш учун учиб келди. Уни уриб ту-шириш тўғрисида «ПТР»чилар, шу жумладан сержант Умаров ҳам буйруқ олди. Милитқни осмонга тўғрилиб, самолётни мўлжалга олди. Ўқ ёв калха-тининг моторини ишдан чиқар-ди. Самолёт аланга олиб, ерга кулади. Кўп вақт ўтмай Усмон-нинг кўрагида «Жасурлиги учун» медали пайдо бўлди.

Душмани Смоленск шаҳри-дан ҳайдаб чиқариш учун шид-датли жанглар бошланди. Ума-ров душманини мустақам-ланган мудофаа жойларини мўлжалга олиб яқсон этди, пивда аскарларимизни олға силкишларига катта ёрдам кўрсатди. Шаҳар атрофида аяниқса шиддатли жанглар бошланиб кетди. Шундай жанг-ларнинг бирида Усмон оёғи-дан оғир яраланди. Уни гос-питалга жўнатдилар. Узоқ де-воланди, сўнг 1944 йилда уйга қайтди. Кўп йил савдо соҳаси-да самарали хизмат қилиб кел-ди. 1985 йилда пенсияга чиқиб, коммунист Умаров элга ёрда-мим тегисин деб, райкомга му-рожаат этди. Уни пенсионер-ларга хизмат этадиган дўкон ходимларига ёрдам бериш учун юборишди. Мана уч йил-дики, эл хизматида у.

Турғун Ашуров ҳам баҳодир мерганлардан. У 1939 йилда армия хизматида қақрилиб, 1941 йилда уйга қайтган, деб турганда уруш бошланиб, ўзи-

нинг 203-қудратли тўпи билан жангга кириб кетди. Москва, сўнг Ленинград остоналари-да душманини техника ва жо-ли кучларини яқсон этди. У хизмат этган 100-ўқчи дивизия фашист кўшиқларини яқсон этиб, Берлинга боради. Сер-жант Ашуров дивизиясининг ҳужум жангларида тўпини ол-динга олиб чиқиб, намуна кўр-сатади. Қизил Юлдуз ва Ва-тан уруши орденлари билан мукофотланади. Урушини га-лаба билан тамомлаб, 1945 йилда уйга қайтиб келиб, хў-жалик ишларида самарали хиз-мат қилиб, кексалик туғайли пенсияга чиқиб, Усмон Умаров билан бирга жамоат ишларида актив катнашиб келмоқда.

Бу икки фронтнинг яна бир шериги Рифқат Собитов эса Улуғ Ватан урушида қирувчи самолётини бошқарган, мудофаа ва ҳужум жангларида душман техникаларини ва жоли куч-ларига осмондан туриб қаттиқ зарбalar берган. Унинг кў-рагидаги кўш орден ва жан-говар медаллар, Собитовнинг қаҳрамон лочин бўлганлигидан далолат беради...


Кекса уруш ветеранлари жа-моатчилик асосида хизматда бўлишлари билан бирга, мак-табларда, маҳаллаларда ўшлар ва аҳоли ўртасида ўтказилёт-ган учрашуларга тез-тез бо-риб турадилар, ўзларини жан-говар ҳаёт йўллари ва элга хизматларида мисоллар кел-тириб, она-Ватан қудратини ошириш йўлида ҳалол, фидо-корона хизмат этиш мўқаддас куч эканлигини сўзлайдилар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.



Қуёш парчаси

(Монолог)



Ҳар қуни ул нону сувни олур эрди,
Нонни бир гўша ичра солур эрди.
Кесмиш эрди аёғлардан банд,
Нон иси бирла бор эди хурсанд.
Алишер НАВОИЙ.

Дунёда ҳеч бир нарсаси тенглашмай-диган уч неъмат бор:
Биринчиси оби ҳаёт — зилол сув.
Иккинчиси инсонга қувват — она сuti.
Учинчиси жон малҳами — нон!
Сув бўлмаса — ҳаёт, она сuti бўл-маса — тириклик, нон бўлмаса — фаро-ғат йўқи!
Олоқ дастурхонда — нон! Қуёш ёхуд Ойдан узилиб тушган қунпарча-ю,

ойпарчага ўхшайди Нон! Уни ҳар кали-мада мадҳ этамиз! Нонда қуёшнинг жа-моли, инсон боласининг қамоли, тирик-ликнинг сокин ва улғувор тимсоли бор!
Нонни қиллар мадҳ этмаган, қиллар эъзозламаган, қиллар унга зор бўлма-ган, қиллар «Бир бурда нон!» дея, «Нон — ҳаёт!» дея хор бўлмаган?!
«Нон мадҳияси — Қуёш мадҳияси ка-би улғу! Ким уни азиз деб билса нон доим йўлдоши бўлсин, бахт-саодат у-га ёр бўлсин!

Яшил олам — яхши олам, дейди кексалар,
Ўсимликлар гултожидир — бугдой бошоғи.
Она замин қучоғидан ниш урган майса,
Улғайди, сарғайди — қуёш чироғи!

Ҳар бошоқда марварид дон етилгани он,
Бугдойзорлар яшнаб кетар ризқ-насибадан.
Майсалардан деҳқон бобо яратандек жон
Ғурур этиб, фахрларан қутлуг касбидан.

Нон нимадир, нон нимаки — эъзози улғу,
Нон деганда чарақлайди — қўнғил чароғи.
Нон нимадир, нон нимаки — рўғзорлар тўлғу,
Нон қўнғилган дастурхонлар соҳибкор бон!

Бугдой нони, донлар нони — ҳаёт неъматини,
Табиатидай эҳсони бу, буюк нъомини.
Яратди уни инсон пешона тери,
Ҳаёт отлиқ бу дунёнинг тириклик — жони.

Мозийларга назар ташлаб нон тарихини,
Қашф этилган йилларини излаб қўрайлик,
Ибтидоий одамларнинг нон таърифини,
Ташбех этиб, силрларни бир-бир сўрайлик.

Ўтмиш аجدод дастлаб емиш этиб турганда,
Жийда, ёнғоқ, каштан каби дарахлар донин
Нон ўрнида насбга лойиқ кўрганда
Турфа гиёҳ, илдишлар ҳам сақлаган жонин.

Дунё бўйлаб кезиб донм сарсон-саргардон,
Ризқ-луқма излаб юрди бани одамзод.
Охир тоғиб дур-тавардек кўп бошоқди дон,
Муҳтожликни енгиб бўлди очликдан озод.

Хомлигича еб бўлмасди бугдой донини,
Пиширмоқнинг усулларини аялдай ният.
Машаққат-ла яратқунча бурда нонини,
Инсон роса ўн беш минг йил чекди азият.

Дунёда муъжизалар кўпдир беқийёс,
Бир-биридан антиқадир бу кўнча дунё.
Лекин тоғнинг муъжизакор нон қийёсини,
Нон азиздир, ҳар ушғи кўзга тўтё.

Нарх-навода нарсалар бор суюқ, қимматли,
Олтин-қумуш — асил маъдан, лекин нон эмас.
Дастурхонга тўкиб солинг барча неъматини,
Кавсар сувин, қуш сутини, нондек жон эмас.

Жонзод борки сахарлардан ризқ орузида,
Тийирчилаб юрганга шохид бўламиз.
Олдийгина бир чумол ичмам оғзиди,
Дон кўтариб боришга ҳайрон қоламиз.

Қўзни очиб бу дунёга келган чақалоқ
Ризқ-рўзини она сuti этиди таъмин.
Улғайга у нон иккинчи насоба бўлур,
Унга тутар бу неъматни муқаддас замин.

Она сuti — азиз неъмат, оқлик белгиси,
Оқ сutiни оқламоқлик фарзандлик бурчи.
Нонни унга қийёс этиш доно белгиси,
Нонни исроф этганларни хорликда кўр-чи!

Она ва Нон! — ҳаёт учун қондош, этизак,
Нонни исроф қилмай десанг биз эътибор
Онани ким ранж этгирса, унга нон — кесак,
Нонни хароб этган одам бидмас онани!

Бошоқларнинг ердан униб бўлгунча дон,
Ингир-териб, янчиб, ясаб, пиширилгунча,
Дастурхонга қўйилгунча битта қўлча нон,
Машаққатлар чекмадим инсон озмуна?!

Нон деганда тушунамиз ҳаёт маъносини,
Нон деганда тушунамиз имон рамзини,
Нон деганда англаб доим тириклик кучини,
Нон деганда тез англаймиз вийдон қарзини.

Нон деганда тушунамиз очлик офатини,
Нон деганда тушунамиз муҳтожлик нимма,
Нон деганда англаб доим йўқлик кулфатини,
Нон деганда тез англаймиз ояқлик нимма.

«Нон» деганда, нон тополмай юрганлар ҳаққи,
«Нон» деганда кесак ушлаб қолганлар ҳаққи,
«Нон» сўзига боғлаб барча умидларини,
«Нон» деганда сўнгги нафас олганлар ҳаққи!

Жангоҳларда жон берганлар — насобаси — нон,
Оч-муҳтожлик чекканларнинг насобаси — нон,
Мўлтираган оч гўдаклар насобаси — нон,
Нон-нишонсиз кетганларнинг насобаси — нон.

Кимки нонни насоба деб билса — у улғу,
Кимки нонни эъзозласа у буюк инсон!
Кимки топса нонни ҳалол — ҳаёти кутлуг,
Нонни азиз этган одам аталади Нон!

Тўлқин РАСУЛОВ.



«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-нон заводида қарашли 5-обини цехи маҳсулотларини аҳоли ми-натдорчилик билан сотиб олади. Цехда патир, сутли нон, обини каби ширин-шакар маҳсулотлардан 7 тоннаси иш-лаб чиқарилади. Ақмал Икромов, Октябр, Ҳамза, Қуйби-шев, Собир Раҳимов районларидаги нон дўконларига ҳам цехда тайёрланган маҳсулотлар жўнатилади.
В. Тўхтаева салкам ўн беш йилдан бери шу ерда меҳ-нат қилиб келади. У ўнлаб шогирдларни тарбиялаган меҳ-рибон устоз ҳамдир.
СУРАТДА: В. Тўхтаева шогирдларига нон ясаш сирла-рини ўргатмоқда.
Р. Шарипов фотоси.

Куюнчақлик билан ёзилган

Янгичасига ёндошилмапти

«Нон ҳақида гапириш оғир. Машғум уруш йилларида не қиларини кўрмадик. Уша дам-ларни эсласам ҳозир тўқлик, ка-шўқлик қилаётганга ўхшаб кетамиз. Шундай тўқин за-монда нонни исроф қилмас-ликка, кўз қорачигидек ас-раб-авайлашга нима монелик қилапти: ўзимизнинг эъти-борсизлигимизни ёки масъ-улиятсизлигимизми?»

Бу сўзларни бир пайтлар пиру-бадавлат онахонлари-мизнинг биридан эшитгандик. Унинг ёниб гапиришлари ҳар қандай одамни чуқур ўйга толдирмаслиги мумкин эмасди. Чиндан ҳам, нонга эътибор — жонга эътибор деган ажо-йиб нақл бор. Биз ҳар қуни бу азиз неъматга дастурхон-миз тўғриван жой берамиз. Уни севиб тановул этамиз.
Яқинда бир киши билан гаплашиб қолдик. Унинг ҳас-ратлари ўзига етарли экан, яшириб ўтормади.

— Нукун шунақа, — деди у куюниб. — Ишдан қайтаётиб магазинлардан сифатли нон харид қилмай овера бўла-ман.
Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қа-рашли 2-троллейбус депоси-нинг ишчиси Раҳмонли Ак. баралиев бошқа бир фиркни ўртага ташлади.

— Ноннинг нархи ўзгарди-ю, сифати ўзгарди-ю, деган га-ҳида. Ваъдан 24 тийинлик буханка билан 34 тийинлик нон ўртасида тафовут борли-

гига шубҳа қиламан. Қола, верса нон маҳсулотларининг турлари ҳам тансиқ. Хўш, нега бу борада ўйлаб қўри-ламайди. Ўйланса, изланса, яхши, ласа бўлади-ку?

— Биз эса доимо дастурхо-нимизга қайноқ нон маҳсу-лотларини қўйишни /хоҳлай-миз, — дейди ҳаёвдон Вла-димир Самойлов. — Аммо ис-тагимиз ҳаммаша амалга оша-вермайди. Яхши пишмаган ёки қотган нонга пештахталарда баъзида дуч келиб тура-миз. Бундай аҳволдан аҳоли эъти-бини ўрганмай туриб, қуту-либ бўлмайди. Яна бир муҳим масала бор. Шаҳарнинг маъ-лум жойларида ишлаб турган тандир цехларининг сонини кўпайтириш керак. Ҳозир ноо-ператив йўли билан ана шу ишни амалга оширишга қизи-қиб ортиб кетди. Вевосиат қавоқларнинг ўзига қарашли тандир /цехлари эса кам. Ахир, оби нон ҳам тўғрили. ҳам мазали бўлади-ку?

Ноннинг сифати қанчалик яхши, турлари қанчалик хил-ма-хил бўлса, дилимиз шун-чалик ярайди. Бироқ, бундай йўлданга эришишимизга ҳали вақт эрта. Баъзида у, гоҳи, да бу муаммонинг қўндалаг бўлиб қолиши «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли нон заводларида илдий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини кўрс-атиб турибди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Билиб қўйган яхши

Бир кунда 500 грамм нон ейилса, организм 900 — 1200 килокалория энергия олади. Кам ҳаракат қилмайдиганлар учун умумий керак бўлган энергиянинг деярли ярмини ташкил қилади. Жисмоний меҳнат қилмайдиганлар бир кун-да 300 килокалория энер-гия сарфлайди. Бизнинг қўндалик овқатимизда нон-дан ташқари сабзавот ва пол-из экинлари, мевалар, сут, гўшт, балик маҳсулоти-ни бўлиши ҳам фойдали. Хилма-хил озиқ-овқатлар та-новул қилинганда бир кунда

ўртача 300-400 грамм нон ейиш қийфоя.
Семиз одамлар бир кунда 200 грамм нон ейишлари ке-рак. Бунда калорияси юқо-ри бўлган озиқ-овқат маҳ-сулотлари кам бўлиши керак. Ҳозирги кунда нон завод-ларида парҳез нонлар чиқа-рилади.

Нон харид қилаётганимиз-да, унга эътиётлик билан қа-ранг, ардоқланг, уни ишлаб чиқаришда сарф бўлган бо-бодоҳон, нонвойларнинг меҳнатини қадрланг!
Абдурахим РАСУЛОВ, ўқитувчи.

Учадиган нон

Бувижон, ўқиб беринг

Жиноятнинг боши — лоқайдлик

Айбланувчи Ойбек Исрои-лов ва Қомил Эгамбердиев-лар ҳали жуда ёш, улар эн-дигина 14—15 баҳорини қар-шилашган. Лекин шунга қа-рамай, улар бир неча бор жиноят содир этиб улғурши-ган...

Хўш, бу ёшларни ҳаром-хўрликка қўл уришга нима ва қим мажбур этди экан? Мана шу савол бизга тий-лиқ беради. Балки бу иш-ларнинг аччиқ тақдирини баъ-зи ота-оналар, мактаб кол-лективи ва жамоатчиликка ибрат бўлар деган мақсадда бу жиноий иш ҳақида фикр юритишни лозим тойдик.

Улар гира-шларда олдин-дан келишиб қўнғилган жо-йлар — катта сада тағида учрайдилар. Операция пла-нини яна бир бор аниқ қилиб олишгач, секин-аста шарпа-дек юриб, Ақмал Икромов район ошхоналар трестига қарашли 4-ошхона омбори олдига тўхташди. Омбор то-мидан овоз чиқармай ичка-рига билин-кетин сирғалиб тушди. Қўзларни қоронғу-ликка ўргатганча бир зум қимир этмай туришдида, сўнгра енг шимариб «ишга» тушиб кеттиди. Улар ўзла-ри билан олди келган бола-лар араваҳисини кичини бир зумда 65 шина қоньяк, 9 шина арақ, 400 дона «Рос-тов» сигарети, тўрт килоча чой, уч килодан мўл «Цирк» шоколадга ва яна алланас-ларга тўлдирди. Шу ку-ни «Уч оғайин ботирлар» жа-ми 1665 сўмлик ўлжани қўл-га киритишди.

...Кийининг дам олиш кун-ларидан бири. Чилонзор мас-сивининг 19-кварталда жо-лашган 11-уйнинг 3-кварти-расида истиқомат қилувчи А. Дегтарев шу қуни оила-си билан меҳмонга кетган эди. Кечки пайт ҳамма уйда чироқ ёнди. Фақат 3-кварти-рада қоронғилик ҳужим су-ради. Шу пайт деваза та-ғида уч шарпа ҳозир бўли-

ди. Улардан бири ҳар эҳти-молга қарши квартира қўн-ғирогини босиб кўрди. Ўйда ҳеч ким йўқлигига ишонч хо-сил қилинган, улар балқон-нинг темир панжарасини қий-шайтириб чиқари киришди. Тортмадан чиққан иккита тилда узуқ, «Орбита-205А» ва «Вега-32Б» маркали икки-та магнитофон, «Зенит-Е» маркали фотоаппарат, сер-вант ичидан биллур ваза ва идишлар — жами 1804 сўмлик «ўлжани» олиб жў-наб қолдишди.

Чилонзор район ички иш-лар бўлими ходимлари ҳар иккала жиноий иш юзасидан текширув олиб бординлар. Ниҳоят қийнор кўчага кир-ган ёшлар тушшукларидан илминишди. Улар шу квар-талнинг 16 ва 1-«А» уйла-рида истиқомат қилувчи Ой-бек ва Қомил исмли ўспир-рин йигитчалар бўлиб чи-қишди. Хўш, ҳали балоғат ёшига етиб улғурмаган бу болаларни жиноят йўлига ки-ришига нима мажбур қилди?

Ойбек Исроилов Чилонзор-даги 101-мактабнинг 7-син-фиди ўқирди. Етти ёшида уни онаси ташлаб кетиб қолди. Отаси қўп инавр, ў-ғлининг тақдир билан уму-ман қизиқмасди.
Ойбек мактабга ҳам бора-бора кам қатнайдиган, қа-ндайдир одамовчи ва камгап бўлиб қолган эди. У пайт поилаб дарслардан эрта кети-б қолар, ўзига ўхшаш «улфат-лар» қиларди. Ниҳоят у ўз тенқури Қомил билан топишди. Қомил Эгамберди-евнинг ҳаёти ҳам Ойбекни-кидан қўнчилимасди. Ота-она-си ҳеч қаерда ишламас, ал-лақаёқлардан ортирган «дўстлар» уларнинг уйда меҳмон бўлишар, ичкилик-бозлик авжига чиқарди. Қо-мили бундай вақтларда кўча-да узоқ вақт санқиб юрарди. Шундай кунларнинг бирида у Ойбек билан учрашиб қол-ди. Дарҳол оғиз буруш ўпи-

ган маслакдошлар, тил би-риктириб, юқорида биз ҳикоя қилган 4-ошхона омборига «ҳужум» бошлашди. Ўшанда улар уч киши эдилар. Ше-рикларни ўлғурбек ҳали жуда ёш эди.

Биринчи «муваффақият»-дан сўнг рухланган ҳамто-воқлар дадиҳроқ ҳаракат қила бошлашди.
Лекин кўза кунда эмас, кунда синади, деганлари-дек, уларнинг ўғрилиқ фао-лиятига нуқта қўйилди. Тер-гов пайтида Ойбек истиқомат қилаётган уй комитети бош-лиғи Р. Муротова уни қўй-дек ювощ қилиб кўрсатди. У ўқитган 101-мактаб ўқи-тувчиси Т. Петрушени эса унга оғзаки икбийи харак-теристика берди. Қўн-қўшн-лар ҳам ҳамма айбни бола-ларнинг ота-оналарига қўй-дилар. Шу ерда бир ҳақли савол туғилади. Хўш, бола-ларнинг ота-оналари бола тарбияси ўрнига нафё-сафо билан шуғулланиб юришган чоғда ён-атрофдаги кишилар қаерда эди? Мактаб педаго-гика коллективи, райондаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси, участка милицияси, қолавер-са маҳалла ахли бу «бобош» болаларни нега назоратдан четда қолдирибди экан? Ма-на шу лоқайдлик туғайли бу ёшлар жиноятга қўл уришди. Афсуски, қўнча-шундай қиламиз. Қачонки, жиноят содир этилгандан ке-лар унинг таҳлили билан қи-зақамиз. Ўша жиноятнинг ол-дини олиш эса ҳеч биримиз-нинг эсимизга келмайди.

Лоқайдлик ана шундай ху-нуқ воқеаларга сабаб бўла-моқда.

Қ. ИСХОҚОВА,
Чилонзор район прокурори ёрдамчиси.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
«Тошкент оқшони» жа-моатчи мухбири.



Хўрамли редакци! Ўзбекистонлик спортчилар, айниқса «Пахтакор» футбол командасида ҳақида кўпроқ материаллар берилса, деб илтимос қиламан. Махшур футболчи, болбарлар Генадий Красницкийнинг мухлислари кўп, унинг ажойиб ўйинлари ва ҳозирги фаолияти ҳақида мақола ёритилса айти мудоа бўлур эди. Собир ОРИПОВ, «Среднекабель» бирлашмасининг инженер.

келишаётганда жароҳатланиш ёки бошқа сабаблар билан тўхтаб қолди. Белановда ҳам олдинги шиддат йўқ.

— Вир неча кундан кейин биринчи лига мусобақаларига старт берилади. Шу муносабат билан «Пахтакор»нинг ҳозирги раҳбарлари ва ўйинчилари ҳақида фикрингиз қандай?

— Абдураҳманов яхши футболчи эди, яхши тренер бўлди. Анча йиллар ўзи шу командада ўйнади. Анъана ва назорат томонларини тўзук қилди. Балки у илгарироқ тайинланганда аянам яхшироқ бўларди... Айтиш мумкин, Биродар яхши бир ансамбль тўза олди. Бундан бу ёнгга ҳаммаси яхши бўлиши керак.

— Кўнглингиз қизиқтираётган бир савол: бу йил команда олий лигага қайтарилми?

— Команданинг ўн йил аввалги составидан кимларнинг ўйини сизга кўпроқ ёқарди.

— Кўпроқ Хадзиланатис. У энг оригинал, таланти футболчи. Яна Ан, Фёдоров ва Аширов ёқарди. Олим мулофанинг юраги эди. Хужумга берилиб кетиб қайтишга улгуролмаган шерининг ўрни эгаллаб, икки ҳимоячининг вазифасини ҳам удалай оларди.

— Улардаги истеъдод, тиришчиликни ҳозир кимларда кўрасиз?

— Синелобов, Кожуховларда. Талантли йигитлар. Ўйламанки, улар ҳали имкониятлари даражасида ўйнай олишмапти. Бу спортчилардан янада шиддатли, ҳужумкор ўйинлар кутса бўлади. Олга яна ҳам зарб билан тепа олиши мумкин.

— Дарвоқе, кучли зарб билан тегиш ҳақида. Бундайлар ҳар бир командада иккита ё учта бўлади. Бу маҳоратли айрим мухлислар «аввало кишининг ўзида бўлиши керак» деб ҳисоблашади. Шу ҳақида фикрингиз?

— Йўқ, бу аввало меҳнат. Киши қанчалик кўп иштирос, маҳорати шунча ошади. Ёш футболчиларга ҳам масаладир шу. Дарвозани узоқдан нишонга олишни тиймай алақ қилаверсин. Бизнинг авлодди кўча футболга тарбияланди. У пайтларда бирозга ҳам бола четда турмасди, ҳамма футбол ўйнади. Ёш футболчи бўлишда кўча футболнинг аҳамияти катта. Ёш татил кунлари беш-олти соатлаб ўйнаш керак. Яна шахмат, ёнги атлетика, тош кўтариш каби спорт турлари билан ҳам шуғулланиш лозим. Бир кишини маънавий мадад беради, бошқаси пиштади, учинчиси чинтиради.

— Шу ўринда футбол ҳакамлари ҳақида ҳам сўзга тўхтайсиз.

— Ҳакамлар қанча одил бўлса, футбол учун шунча яхши. Хайратки, ҳозир анча яхши. Кичик ҳакам спорт-техник комиссияси томонидан тезда кўриб чиқилади. Лекин илгарилари билмасдан, кўра билди «хато» қилишлар кўп учради. Бу албатта, азобиин тортиган команда аъзоларининг асабини бўзди, руҳини туширади ва пировардида қўполлик қилишгача олиб келади.

— Бўш вақтингизда кўпроқ нималар билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтингиз ўзи жуда кам, йўқ деса ҳам бўлаверди. Аммо бўлди дегунча ёки имконият топилса бадий адабиёт мўлола қилишни яхши кўраман. Айниқса, классик ва фантастик асарларни севиб ўқийман.

— Кечирасиз, аъёнанинг бўлмаса ҳам бир савол: севган таомингиз.

— Тошкентда туғилдим, ўзбеклар орасида ўсим, албатта палов-да. Ундан зўр таом борми!

— Оқшомхонларга тилангизми?

— Доимо саломат бўлишсин. Саломатлик бўлса қолганлари аста-секин бўлаверди. «Пахтакор» мухлислари эса унинг бу йилги ҳар бир ўйинида фақат хурсанд бўлишсин. У тўғри олий лигага чиқсин. Бунинг учун барча имкониятлар етарли деб ўйламан.

— Раҳмат.

Сухбатчи
Равшан БОБОМУАМедов
ёниб олди.

Бокс

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 апрелда — БАЛЕТ КЕЧАСИ.
2 апрелда — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли — ТРА-ВИАТА.

3 апрелда — АЛОВИДИННИНГ СЕХРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ИОЛАНТА (19.00).

7 апрелда — ФЛОРИЯ ТОСКА.

8 апрелда — экспериментал кичик сахнада — ТЕЛЕ-ФОН. ОДАМ ОВОЗИ (17.00). М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.

9 апрелда — ОЛОВЛИ ФАРИШТА.

10 апрелда — ЭТИК КИЯНГАН МУШУК (12.00), ДОН КАРЛОС (19.00).

12 апрелда — ЗЕБУННИСО.

13 апрелда — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли — ДЖАННИ СКИККИ, МОЦАРТ ВА САЛЬБЕРИ.

14 апрелда — ОТЕЛЛО.

15 апрелда — КОПШЕЛИЯ.

16 апрелда — КАРМЕН.

17 апрелда — ЭТИК КИЯНГАН МУШУК (12.00), КОПШЕЛИЯ (19.00).

19 апрелда — БОРИС ГОДУНОВ.

20 апрелда — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли — СЕ-ВИЛЬЯ САРТАРОШИ.

21 апрелда — ХИВА ОРДЕНИ.

22 апрелда — БАЛЕТ КЕЧАСИ.

23 апрелда — КАРМЕН.

24 апрелда — КОПШЕЛИЯ (12.00), ЧИО-ЧИО-САН (19.00).

26 апрелда — РИГОЛЕТТО.

27 апрелда — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси опера студиясининг спектакли — ТРА-ВИАТА.

28 апрелда — ТОҶИР ВА ЗУҲРА.

29 апрелда — МАСХАРАВОЗЛАР.

30 апрелда — ОПЕРА ВА БАЛЕТ СОЛИСТЛАРИ-НИНГ КЕЧАСИ.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 20.00 гача сотилади. Танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Справкалар учун телефон: 33-90-81.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1988-1989 ўқув йили учун

Ўқишга қабул қилади

Учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, ремонтчи-слесарь, парчилаб иш бажарувчи, кенг профилдаги станокчи (тонар, фрезерчи, чархловчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори).

Ўқишга 8-10 синф маълумотида эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 6-10 ой.

Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга тегишли касб бўйича малака олиб чиққани ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўм стипендия олади.

8-синф маълумотида эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлагач уларга тегишли касб бўйича малака олиб чиққани билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ётоқхона, 3 маҳал овқат ва ишли касб бўйича малака олиб чиққани билан бирга ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланади.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўллана олади.

Билим юрти спорт базасига эга. Унинг қошида волейбол, футбол, сузши, бокс, эркин кураш бўйича спорт секциялари, аэро моделинг бадий сўз тўғрақлари, вокал-чолгу ансамбли, миллий чолгу асбоблар ансамбли, духовой оркестр, радио тўғрак, тасвирий санъат студиялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: директор номига ариза, 8-синфни тамомлагани ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкиси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛанади.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-УЙ (30, 8, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. М. Кадиев номидаги билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ҲУРАМАТЛИ ОПА-СИНГИЛАР.

Агар доимо дилбар ва гўзал бўлишни истасангиз, 104-«ЕШЛИК» САРТАРОШХОНАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Салон Боткин кўчасидаги 8-уйда жойлашган.

Салоннинг малакали усталари сочинганни ювиб-тарашди, замонавий модалда, қўнғингиздагидек қилиб турмак-лаб қўйишади. Косметика, педикюр ва маникюр кабинетлари сизнинг хизматингизда.

Тошкент шаҳар сартарошлик хизматини комбинати.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет нури-лиши ва ҳақл контроли — 32-54-34; санъат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шахар ҳўналиши, савдо ва маъиш хизмат — 32-55-39, напйлат қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юрлари — 32-55-10; физик-математика ва спорт, ҳарбий-авиацияларнинг тар-бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; маоматчиллик редакцииси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловиси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/III де Балет кечаси (17.00).

МУКМИНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III де Хотинининг эри.

30 МАРТАДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: Чаяка — «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ», «КИЗЛАРИ УГИРАЛАШ» (16, 21:15); «УНТА НЕГР БОЛАСИ» (18.30); Тошкент Советининг 30 йиллиги — «ТОШБАҒИР ОДАМНИНГ УГЛИ» (21.00).

К. Ерматов номи — «МЕНИНГ СУНГИ ТАҒОМНИ» (тоқ соатларда).

Лисувон номи — «ЖЕК ВОСЬМЕРКИН — «АМЕРИКАЛИК» (17, 20.00).

Дружба — «ВИЗАНТИЯЛИК САВДОГАРНИНГ ҲАЗИНАЛАРИ», «XX АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» (17.30, 20.40).

Қозғоистон — «ОДИССЕЙНИНГ САРГУЗАШЛАРИ», «ЕНТИЛМАС» (17, 20.00), «КОЛОННА» (18.00).

Искра — «КУРБОНЛИК» (20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТОКИОГА САЕХАТ» (жуфт соатларда).

ХУРАМАТЛИ КИНОТОМОШАВИНЛАРИ

СИЗЛАРИНГ КўПДАН-КўП ИЛТИМОСЛАРИНИГИЗГА ҚўРА

ЎЗБЕКИСТОН ПОИТАХТИ КИНОТЕАТРЛАРИДА

АПРЕЛЬ ОИДА «ГОСИЛЬМОФОНД» ТўПЛАМИГА КИРГАН БАДИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОИШИ ҚИЛИНАДИ

«Отарева-6»

«Петровка-38».

«Синбаднинг еттинчи саеҳати».

«Одиссей саргузаштлари».

«Тўрт мушкетёр».

«Егилмас».

«XX аср қароқчилари».

«Византиялик савдогарнинг хазинаси».

«Тош юрак одамнинг ўғли».

«Колонна» ва бошқалар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ «ЎЗБЕК ИГИТЛАРИ»

номериин таъйиран учун йили 25 дан олпмаган, Совет Армияси сафаридаги хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшларин

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бошқа шахарлардан келганларга 78 сўм ҳажмида командировкача пули тўланади, ётоқхонадан жой берилади.

Спортнинг барча тури билан шуғулланувчи спортчилар қатнаша олади.

Қабул Тошкент давлат цирки биносида ҳар кун иккундан ташқари соат 17 дан 19.00 гача амалда оширилади.

АЭРОФЛОТ ПАССАЖИРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Иркутск аэропорти реконструкция қилиниш муносабати билан

3722-РЕИС БИЛАН УЧУВЧИ САМОЛЕТ 1 АПРЕЛДАН

10 АПРЕЛГАДА ТОШКЕНТДАН ВРАТСКА КАТНАЙДИ, У ЕГИГА ПАССАЖИРЛАР МАҲАЛЛИ ИРКУТСК УЧАДИЛАР.

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси ҳаво йўллари марказий агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

243-МАКТАБДА ШУ ЙИЛ 20 МАЙДАН БОШЛАБ

СОВИР РАХИМОВ, АКМАЛ ИКРОМОВ ВА СЕРГЕИ РАХОНЛАРИ АХОЛИСИ УЧУН

ЭКСТРЕН ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИШ УТҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 20 апрелдан бошлаб иккундан ташқари ҳар кун соат 10 дан қабул қилинади.

Адрес: Беруний кўчаси, 369-а уй («Юбилей» спорт саройи қаршида).

28, 34, 47, 31, 87-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 7, 15, 16-трамвайларда «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИИ бекатига борилади.

Ўзбек футбол таракқиети деганимизда аввало кўча ўнгимизда «Пахтакор»нинг яқин ўттиз йиллар ичида босиб ўтган йўли намоён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Ўттиз йиллар муқаддам севимли команданин шаклланди, мамлакат миқёсида танилди. Ва 1960 йилда эса олий лигада ўйнай бошлади. Ўйинчиларининг номлари Итифокча, кейинчалик чет элларга танилди. Бу даврда тўп сурган кўпчилик футболчилар нафақат «Пахтакор»нинг, балки республикамиз футболининг фахрига айланган.

Бугунги суҳбатдошимиз ана шу қадирдоғлардан бири — Ўзбекистон кассабо союзлари республика Совети кўнглили физкультура ва спорт жамияти футбол бўлимининг бошлиғи, СССР спорт мастери Г. А. Красницкийдир. Бу собиқ ҳамда содиқ пахтакорчи ҳақида гап кетса, суҳбатга аралашмайдиган киши қолмайди. Чунки у «Пахтакор» ёркин ўйин кўрсатган йилларнинг ёркин ўйинчиси ва Г. Федотов клубига аъзо бўлган серқўш ўлкамизнинг қадирдоғидир.

— Генадий Александрович, болалик йилларингиз ҳақида яқин оғиз гапириб берсангиз...

— Болалик йилларим... 1940 йили Тошкентда туғилдим. Отам ҳарбий хизматчи эди. 1943 йили фронтда ҳалок бўлди. Ўша йиллари Навойи номи театр атрофлари Марказий район деб аталарди. Ёшлик йилларим шу районда ўтди. Кўпчилик оч бўлса — оч бўлдим, тўқиди тўқ. Катта футболга ҳам биринчи қадамимни шу ерда қўйдим. Кўча футболли — менинг илк устозим.

— Бирор клубда расмий равишда қачондан қатнаша бошлагансиз?

— 1952 йилдан. У пайтлари стадион, футбол майдонлари кўп бўлмаса-да, аммо талабгор ҳақдан эиқ кўп эди. Бизнинг давримизда футбол ўйнамайдиган ўспирин йўқ эди ҳисоб. Ўйинчиларим боса кетмади. 1958 йили, яъни ўн саккиз ёшимда «Б» классда ўйнай бошладим. Ўша пайтда қувончимни ҳозир сўз билан тўпунтирсолмайман. У пайтлари ҳар бир ўйин мен учун жиддий имтиҳон эди.

— Сизнингча «Пахтакор» қайси йиллари (олий лига мусобақаларида) кучли қатнашган?

— 1965—1966 йиллари. Айниқса, 1966 йили мавсумда олий лига командалари ичида энг кучлилар қаторида турардик. Биласизми, биринчи даврани учинчи ўринда яқунлагандик. Бирор марта ҳам мағлубиятга учирамай! Ҳатто биринчи ўринни эгаллаб турган Киев динамочилари ҳисобида ҳам мағлубият бор эди. Қувонмай бўладими, оралиқ маррага (биринчи марта) кураги ерга тегмай 27 очко билан етиб келган ягона коллектив! Ўша пайтда биз ҳақимизда матбуотда илқ гаплар айтилди, мутахассислар эса яхши фикрлар билдиришди. Аммо... охири-оқибатда чемпионатни тўқизинчи ўрин билан ниҳоясига етказдик. Сабаби дейсизми, ўзимизга ўзимиз ортиқча баҳо бериб юбордик, футбол ўйнашни ўрганиб олдик деб ҳисобладик ва жаоимизни олиб паст ўринга тушиб қолдик.

— Лекин команда 1962 йили ҳам кучлилар сафида бўлганди.

— Тўғри, «Пахтакор» 1962 йили ҳам, орадан йигирма йил ўтгач ҳам олтинчи ўринни эгаллади. Аммо ҳам техник, ҳам жисмоний ва ҳар бир лигининг мустаҳкамлиги жиҳатдан «Пахтакор»—66 га» тенглашолмасди.


— Ўзингиз иштирок этган ўйинлар ичида энг эсда қолгани қайси?

— Кўп бўлган. Яна «энг» дейдиган бўлсам, 1964 йили Тошкентда Уругвайнинг «Насьонал» клуби билан ўтказилган ҳалқаро ўртоқлик учрашувини айтишсин мумкин. Ўшанда биринчи лигада ўйнардик. «Насьонал» эса бу пайтда анча махшур бўлиб, мамлакатимиз бўйлаб сафарлар юрган ва ҳали ҳеч ютказмаганди. Қуллас, биз талаба қозондик. Ҳалаба қозонганда ҳам тенг курашди, шиддатли олингувда номдор рақибни енгдик. Ўша матчда ҳар бир «пахтакор»чи юксак маҳорат кўрсатиб ўйнаганди.

— Урган голларингиздан-чи?

— Тўғри дарвоза тўғнага тушириш ниҳоятда мушкул иш. Чунки ҳар бир ҳужумчи тўқсон минут давомида таъйиба бўлади. Унга тўп бермаслик ҳимоячининг энг асосий вазифаси. Шунинг учун ҳам киритилган ҳар бир тўп эгасига чексиз қувонч бағишлайди. Чиройли бўлдим, йўқми, барибир, у меҳнатинг, ўр тоқларинг, ҳаракатинг меваси. Лекин барибир шулар ичида ҳам ардоқлиси бўлади. Яна шуниси борки, эсимда қолганлари нукул жармадан урилган голлардир. Масалан, 1966 йили навбатдаги турда «Спартак» (Москва)ни қабул қилдик. Ҳали айтиб ўтганимдек, команда состави мустаҳкам пайтлар. Ўйин бизнинг тўла устулигимизда давом этганди. Бир пайт москвичлар майдон маркази яқинида қонидан бузишди. Судья жарима тўпи белгилди. Бу дарвозадан тахминан 45 метрлар узоқликда эди. Тўпни зарб

«ПАХТАКОР»ГА ОМАД ТИЛАЙМАН!»



тушдик. Баҳс қизғин, шиддатли давом этарди. Биз навбатдаги ҳужумни уюштиришга киришдик. Дарвоза олдида ўта хавфли вазият бўлиши мумкинлигини сезган рақиб ҳимоячилари қонидан бузишди. Бу тахминан дарвозадан 30 метрлар узоқда эди. Футболчилар жойини эгаллагач, судья ҳуштар чалиб «рухсат» берди. Тўпнинг олдида мен эдим. Чамалаб кўрсам дарвозани нишонга олиш қулай. Тўрни мўлжалланган нукта томон теддим. Тўп йўлда ҳеч қандай қаршиликка учрамади ва дарвоза тўғнага тешиб ўтди.

— Сизнинг даврингизда ва ундан олдинроқ тўп сургандардан кимларини жаҳон миқёсидаги ҳақиқий «олдуз»лар деб биласиз?